



ЁШ АВЛОДНИ МАЬНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ

Шодмонов Ҳакимжон
*Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти
мустақил изланувчиси*

Аннотация Мақолада музейларнинг ўрни, уларнинг фаолиятини ташриф буюрувчилар учун жозибали тарзда ташкил қилиш, экспозициясини ривожлантириш, музейларнинг маънавий-маърифий фаолияти, таълим хусусиятларига ургу берилган. Ўзбекистонда ёшларни музейларга жалб қилиш, ёшларнинг бадиий-эстетик дунёқараришини шакллантириш, миллий тарихий хотирани тиклаш ва тарғиб қилиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: музей, ёшлар, миллий гоя, миллий ғурур, мағкура, экспозиция, туризм.

Аннотация В статье рассматриваются роль музеев, организация их деятельности с целью привлечения посетителей, развитие экспозиций, духовно-просветительская деятельность музеев и их образовательные особенности. Освещаются вопросы привлечения молодёжи в музеи, формирования у неё художественно-эстетического мировоззрения, восстановления и продвижения национальной исторической памяти в Узбекистане.

Ключевые слова: музей, молодежь, национальная идея, национальная гордость, идеология, экспозиция, туризм.

Abstract The article emphasizes the role of museums, the organizing of their activities in an attractive form for visitors, the development of exhibitions, the spiritual and educational activities of museums, and educational features. In Uzbekistan, the issues of attracting youth to museums, forming an artistic and aesthetic worldview among young people, and restoring and popularizing national historical memory are highlighted.

Keywords: museum, youth, national idea, national pride, ideology, exhibition, tourism.

Кириш. Музей ҳар бир халқнинг тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликлари тўуплаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш каби ишларни амалга оширадиган илмий маънавий маскан ҳисобланади. Глобаллашув шароитида миллий ўзликни тиклаш, халқ миллий урф-одати ва анъаналари сақлаш ва тарғиб этиш, инсониятнинг тарихидаги

ўзгаришлардан сабоқ чиқаришда музейларнинг таълимий фаолиятидан фойдаланишга эҳтиёж ҳар доимгидан кўпроқ сезилмоқда. Миллий анъаналарнинг йўқ бўлиб кетиш хавфи, ижтимоий тармоқларнинг ёш авлодга шиддат билан кириб келиши янги авлодни вужудга келтирмоқда. Миллатни сақлаш, халқни буюк қилиш фақат таълим ва тарбия билан амалга оширилади. Тарбиянинг ҳар қандай воситасидан фойдалиниш, маданий масканларнинг таълимий функцияларидан фойдалинишнинг янги услублари ва методлари ишлаб чиқилмоқда. Тарғиботнинг янги ёндашувлар асосида амалга оширилишига ургу берилмоқда. Ижтимоий тармоқларда контентлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган қисқа муддатда маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришнинг меёрий-хуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди.

Жамият тараққиёти таълим жараёнини янгилаш вазифасини кўяр экан, музейларнинг таълим-тарбиявий фаолиятдаги ролини ошириш талаби кун сайин долзарблашиб бормоқда. Чунки, XXI асрда техника воситаларининг ривожланиб бориши, илгор технологияларнинг кириб келиши муносабати билан жамиятда улкан ўзгаришлар ҳар бир соҳада иқтисодиётдаги янги технологияларни ўзлаштиришни тақозо этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига чиқиш учун қилаётган сайҳаракатлари, миллий давлатчилигимизни буюк тарихини акс эттириш маънавий мерос ва халқимиз анъаналарини тарғиб этиш орқали амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи ренессанс ғоясинининг илмий-амалий асосларини мустаҳкамлаш барча соҳаларини ягона гоя асосида фаолият олиб боришга йўналтириди. Бунда музейларнинг ўрни, уларнинг фаолиятини ташриф буюрувчилар учун жозибали тарзда ташкил қилиш, экспозициясини ривожлантириш, онлайн музейларни ҳосил қилишга эътибор қаратилди. Музейларнинг маънавий-маърифий фаолияти, таълим хусусиятларига ургу берилди.

Музейлар фаолиятини таълим-тарбияга йўналтириш ҳозирги даврда бошланган бўлмасада, миллий музейлар фаолиятини таълим билан боғланган ҳолда ташкилнинг этишининг илмий асослари сўнгги ўн йилликларда эътибор қаратилди.

Методология. Мақолада таҳлил усулидан фойдаланиб, Ўзбекистонда музейларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўрни ўрганилди. Қуйидаги манбалар таҳлил қилинди:

- Давлат музейларининг расмий ҳужжатлари ва қонунчилик базаси.
- Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари.
- Таълим ва музейшуносликка оид илмий тадқиқотлар.
- Халқаро тажрибалар ва музейлардаги инновацион ёндашувлар.

Тадқиқот жараёнida музейларнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги ўрнини ўрганиш учун қиёсий таҳлил ва контент таҳлил услублари қўлланилди.

Натижалар. Ўзбекистонда ёшларни музейларга жалб қилиш, музейлардан ёшларнинг бадиий-эстетик дунёқараришини шакллантириш, миллий тарихий хотирани тиклаш ва тарғиб қилиш масалаларига санъатнинг бошқа турлари каби миллий ғояни

тарғиб қилишдаги асосий воситалардан бири сифатида мустақилликнинг илк йилларидан эътибор қаратилди. Музейларга давлат халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимиз бой тарихи, мустақиллик даврида эришилган ютуқларни акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқ онгига миллий ғуур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш воситаси сифатида катта эътибор берилди. Бунда аввало музейларнинг ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратишга урғу берилди. 1991-2010 йилларда қабул қилинган қарорлар, фармонлар ва бошқа меъёрий ҳуқуқий хужжатлар музейлар фаолияти тартибга солиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, сақлаанётган экспонатларни тарғиб қилишни меёъларини амалга ошириш йўналтирилди. Музейлар фаолиятини жаҳон музейлари стандартлари асосида ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини замон талабига мослаштириш, музейларни илмий маскан сифатидаги ролини ошириш, алоҳида комплекс сифатида фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга камроқ эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 15-августдаги Ф-5024-сон “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши барча соҳаларни ривожлантиришнинг асосий устувор беш йиллик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг амалий аҳамиятини белгилаб берди. Янги Ўзбекистонни яратиш, Учинчи ренессансни барпо этиш ғояси, тарихий ва миллий асосларини кучайтириш ғояси музейларни ривожлантиришда янги даврни бошлаб берди.

Ўзбекистонда маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди, шу жумладан, 2020-2021 йилларда музейлар фаолиятини такомиллаштириш дастури қабул қилинди. Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида алоҳида қарорнинг қабул қилиниши музейларнинг маънавий, илмий маскан сифатидаги аҳамиятини оширди.

Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 27-май ПҚ-261-сон “Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 11-декабрдаги 975-сон “2017-2027-йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 19-декабрдаги 1019-сон “2020-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасида музейлар фаолиятини такомиллаштириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари музейлар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш муҳим рол эгаллади. Меъёрий

хужжатлар музейларнинг функцияларини тўлиқ бажарилиш, улардан унимла фойдаланиш, музейларни халқ мерсини асровчи маскангина эмас, халқ учун доим очик маърифий-илмий маскан сифатида ўрнини топа бошлади.

Аввало кадрлар тайёрлаш музейшунос кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 68-сонли қарорининг 7-иловасига мувофиқ музей мутахассисларини тайёрлаш, музей ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби **белгиланган**.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Музейшунослик таълим йўналишида мутахассис чиқарувчи етакчи орлий таълим муассаси сифатида ўз фаолиятини 1997 йилдан бошлаган, ушбу йўналишни битирган мутахассислар республикадаги турли ихтисослиқдаги музейларда фаолият юритиб келишмоқда. Глобаллашув шароитида ёшларнинг музейларга ташрифини ташкил этиш, унинг ёшлар учун жозибадорлиги ва музейларнинг маърифий-маданий маскан сифатида аҳамиятини ошириш соҳага кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни тақозо этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2017 йил 25 декабрь куни Маданият вазирлиги ва Бадиий академия раҳбарларининг ҳисботларини муҳокама қилиш юзасидан ўтказилган мажлис баёни (2017 йил 31декабрдаги 19580-хх-сон) қарорининг 7-бандида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 2018-2019 ўқув йилидан санъат асарларини тиклаш ва таъмирлаш, бадиий ва тарихий аҳамиятини баҳолаш, кўргазмалардан сўнг фонд заҳирахоналарида сақлашга тайёрлаш, музейлардан ташқарида, шунингдек хорижий давлатларда ташкил этиладиган кўргазмаларда уларни қалбаки нусхаларига алмаштириш хавфини олдини олиш учун ҳар бир асарни замонавий техник ускуналар ёрдамида тадқиқ қилиш, экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш ишларини амалга ошириб бориш, музейларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини назарда тутган ҳолда уларни таълим муассасаларига яқинлаштиришгина эмас, балки таълим муассасаларини ҳам музейга яқинлаштириш, яъни ҳамкорлик педагогикасини амалга ошириш, Ўзбекистонда туризмини ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш, чет эллик ҳамда маҳаллий саёҳатчиларни уларга жалб этиш, туристларга таржимонлар ва экскурсоводлар хизматлари кўрсатишни яхшилаш, маданий-тарихий туризм каби саёҳат дастурларини яратса оладиган, санъат ва музей туризми соҳасида бошқарувчилик қобилиятига эга бўлган малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида 5151900 – Музейшунослик (музей предметлари экспертизаси, консервация ва таъмирлаш); 5151900 – Музейшунослик (музей менежменти ва маданий туризм); 5112500 – Музей педагогикаси таълим

йўналишлари очилди. Ўтган йиллар давомида ушбу йўналишлар бўйича 120 нафар талабалар тамомлаган.

Мутахассисларни тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш борасида кўрсатилган вазифалар институт Музейшунослик кафедрасининг Ўзбекистон давлат санъат музей, Ўзбекистон тарихи далват музейи, Шон-шараф музейида филиаллари очилди, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Олимпия ва папаолимпия шон-шуҳрати музейи билан ҳамкорликда имзоланган меморандумлар асосида талабаларнинг амалий машғулотлари ва амалиётлари ташкил этиб келинмоқда.

Мухокама. Сўнгги йилларда музейшуносликка оид тадқиқотларнинг кўламини кенгайгандиги, соҳада илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўйича ихтисослашган кенгашлар фаолия йўлга қўйилди. 17.00.06 –Музейшунослик. Тарихий маданий обьектларини консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш мутахассислиги бўйича Ўзбекистон давлат санъат музейида санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон тарихи давлат музейида тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи ихтисослаган кенгашлар фаолия йўлга қўйилди. Ушбу кенгашларда музейшунослик бўуяя 1 нафар фан доктори, 5 нафар фалсафа доктори диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Музейшунос мутахассисларни тайёрлашда амалиётнинг муҳим эканлигидан келиб чиқиб, дуал таълим шаклида таълим беришга ўтилганлиги “Экскурсияшунослик”, “Музей интеръерини лойиҳалаш”, “Музей иши асослари”, “Фотография” каби фанлар музей экспозицияси ва фонд заҳирахоналарида амалий машғулотларнинг ўтилиши бўлажак мутахассисларни назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бир қаторда амалий кўникмаларини шакллантиришда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишининг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилиши магистратура ва бакалавриат талабалари орасидан иқтидорли ёшлиарни илмий-тадқиқот ишларига фаол жалб қилиш олий таълим муассасаси олдида турган энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Музейларнинг илмий ташкилот сифатидаги ўрини ошириш мақсадида олий таълимдан кейинги таълим институтида илмий кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Қисқа муддатда докторантурा, таянч докторантурা ва мустақил изланувчилар институтда 15 дан ортиқ тадқиқотчилар маданий мерос обьектларини музейлаштириш, туризмни ривожлантиришда музейларнинг ўрни, музейларда инновацион технологияларнинг жорий этилиши, музей дизайнни, музей педагогикасидаги муаммолар ечимида қаратилган тадқиқотлар олиб борилди ва тадқиқот ишлари ҳимоя қилинди.

Илмий тадқиқот ишларидан музей педагогикасининг ривожланиш босқичлари, музейлар турларидан келиб чиқиб, ёшлиар тарбиясидаги ўрни масалалари ўрганила

бошлади. Тўғри, музей экспозицияларидан таълим-тарбия мақсадида унинг тарихий таракқиётида ҳамма вақт ҳам фойдаланилган. Лекин жамият маънавиятини юксалтириш устувор йўналиш сифатида жиддий эътибор қаратилмаганлигини қайд этиш керак. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёш авлодни тарихий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда масласига алоҳида эътибор қаратилди. Экспозиция миллий ғояни тарғиб қилиш, миллий давлатчиликнинг ривожланиш босқичларини кўрсатиш, аждодлардан фахрланиш ҳиссини уйғотишга қаратилган ҳолда шакллантирилди.

XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига музейларни инновацион ривожлантириш, моддий техник базасини мустаҳкамлаш, музейларга ташриф буюрувчиларни жалб этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Музейларда жуда катта тарихий, маданий мерос жамланган ва уни кўриш, билиш, англаш, ҳис этиш эса фақат музейларнинг фаолияти билан амалга ошмайди, таълим муассасаларининг музейлар билан ҳамкорлиги таъминлаш, алоқаларни янгича ёндашув асосида амалга оширишга эътибор қаратилди.

Музейшуносликка оид тадқиқотларда музей педагогикасига алоҳида эътибор қаратилди. Жаҳонда музей педагогикаси педагогика фанининг муҳим бўлаги сифатида ўрганилсада, Ўзбекистонда ушбу соҳа музейшунослар томонидан тадқиқот соҳаси сифатида ўрганила бошланди.

Мустақиллик йилларида музей педагогикаси бўйича Г.Дресвянскаянинг музейшуносликка доир ишларида музейларда таълим-тарбия ишларини амалга ошириш билан боғлаб ёритилади. Олима музей педагогикаси одамларни музейга жалб қилишни мактаб ёшидан илгариёқ бошланмоғи лозим деб ҳисоблайди[10, 30-33]. Ёш авлод ўз мамлакати, шахри, қишлоғи тарихига дахлдорлик туйғусини тарбиялаш музейларнинг асосий йўналишларидан иборат бўлмоғи керак деб тушунади. Музейларнинг мавзум экспозиция режалари мамлакатдаги таълим тизими ислоҳотлари билан ўйғунлаштирилиши асосида ватанпарварлик, тарихий воқеаларга дахлдорликни тарбиялаш учун мактаб ва бошқа муассасалар билан алоқани мустаҳкамлашни тавсия этади. Кейинчалик мактаб музейлари бўйича Ж.Ёқубов мактаб ва жамоатчилик музейларини яратишнинг хуқуқий-меъёрий ва илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиши устида тадқиқот олиб борди.

К.С.Нишанова, М.С.Мухамедова, Ж.Х.Исмаиловалар ҳаммуаллифлигига яратилган “Музей ва жамият” дарслилиги музей педагогикасини ўзбек музейшунослигига алоҳида аҳамиятга эга йўналиш эканлиги, музей ҳамда жамият фаолиятидаги замонавий йўналишлар классификацияси, музей ва турли ёшдаги томошабинлар билан ишлаш омиллари, оммавий-ахборот воситалари билан ҳамкорлик, менежмент ва маркетингни жорий этиш жараёнлари ёритиб берилган[11, 174]. Тадқиқотда музейларнинг илмий тадқиқот институти, музей - маданий маскан сифатида қарашлар билан чекланмасдан, музейлар тўғрисидаги умумий тушунчани тўла англаш учун уларнинг ижтимоий-маданий вазифасини очиб беришга кўмаклашиши мумкин бўлган “маданият – жамият – шахс” деган ёндашиш тизими тўғри келади[11, 18].

Музейларнинг маданий ва таълими фоалиятларини амалга оширишнинг анъанавий усули экскурсия бўлиб, бугунги кунда музейлар ташриф буюрувчиларининг ўзаро муносабатларидағи муаммолар ечимини топиш мақсадида музей материалларини етказиб беришда инновацион ёндашув, маданий-маърифий фоалиятининг ноанъанавий дастурларини ишлаб чиқишига эътибор қаратилмоқда. Мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг реал ташриф буюрувчи эканлиги инобатга олинса, музейларнинг маданий фоалияти, музей педагогикаси таълим масканлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, жалб этиш учун янги лойихаларни амалга ошириш табиий.

Ташриф буюрувчиларга етарли шаротилар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш тартиби ҳамда шартлари тўғрисида низом”нинг б-бандига асосан болалар ва ўсмирларнинг маданий-тарихий меросдан фойдаланиш ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган болалар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш учун давлат музейларига бепул киритилиши, шунингдек, Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кўриш учун ҳар йилнинг 2-8 сентябрь кунлари ташкиллаштирилган “Музейлар ҳафталиги” доирасида аҳоли давлат музейларига бепул киритилиши ҳам белгилаб қўйилган.

Хуроса. Музейлар миллий маданият ва таълим тизимининг муҳим қисми хисобланади. Улар ёш авлодни миллий тарих ва маданиятга ошно этиш, уларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда музейларнинг таълим-тарбиявий фоалияти ривожланиб бораётган бўлса-да, ҳали ҳам айrim камчиликлар мавжуд.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti. (2017). 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasini kelgusida amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida (F-5024-son farmoyish). O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari bazasi.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti. (2022). Muzeylarda xizmatlar sohasini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida (PQ-261-son qaror). O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari bazasi.
3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi. (2017). 2017-2027-yillarda davlat muzeylari faoliyatini takomillashtirish va moddiy-texnik bazasini mustahkamlash bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar dasturini tasdiqlash to‘g‘risida (975-son qaror).

4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi. (2019). 2020-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasida muzeylar faoliyatini takomillashtirish dasturini tasdiqlash to‘g‘risida (1019-son qaror).
5. Nishanova, K. S., Mukhamedova, M. S., & Ismailova, J. X. (2018). Muzey va jamiyat: muzey pedagogikasi asoslari. Toshkent: Fan.
6. Yakubov, J. (2016). Maktab va jamoatchilik muzeylari: huquqiy-me'yoriy va ilmiy-pedagogik asoslar. Toshkent: Sharq.
7. Mirziyoyev, S. M. (2017). Yangi O‘zbekiston – Uchinchi Renessans sari. Toshkent: O‘zbekiston.
8. O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi. (2020). O‘zbekiston muzeylarining rivojlanish strategiyasi: tahlil va istiqbollar. Toshkent: Madaniyat.
9. UNESCO. (2015). The role of museums in education and cultural heritage preservation. Paris: UNESCO Publishing.
10. Дресвянская Г.Я. Музей и общество // Мозийдан садо. – Ташкент, 2000. – № 1-2 (5-6). – С. 30-33.
11. Исмаилова Ж.Х., Нишанова К.С., Мухамедова М.С. Музей ва жамият. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: Чинор ЭНК, 2015. – 174 б.